O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGIZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“RAQAMLI IQTISODIYOT” KAFEDRASI

«INNOVATSION IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI»

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO’PLAMI

(I-QISM)

(2023 YIL 20-SENTYABR)

SAMARQAND – 2023

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGIZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“RAQAMLI IQTISODIYOT” KAFEDRASI

«INNOVATSION IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI»

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO’PLAMI

(I-QISM)

(2023 yil 20-sentyabr)

SAMARQAND – 2023

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКА И СЕРВИСА

КАФЕДРА “ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА”

«ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ НА ОСНОВЕ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ»

РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

(ЧАСТЬ-I)

(20-сентябрь 2023 г.)

САМАРКАНД – 2023

UO'K: 338.2:004(082)
I-52
KBK: 65.7

Innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish asosida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish masalalari. / Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. 2023 yil 20-sentyabr kuni. Samarqand, SamISI, 2023. – 246 bet.

i.f.d., professor K.J.Mirzayevning umumiy taxriri ostida

Nashr uchun mas'ullar:
D.X.Aslanova- i.f.f.d., professor
K.J.Mirzayev – i.f.d., professor
E.Shavqiyev – i.f.n., dosent
S.A.Is'xakova – i.f.f.d., dosent
G'.S.Mustafoyev – i.f.f.d., dosent v/b
S.B.Boboqulov – i.f.f.d., dosent v/b

To'plovchi va nashrga tayyorlovchi: S.B.Boboqulov – dosent v/b
Sahifalovchi: Sh.X.Xalimov, J.X.Xayitov

An'anaviy ilmiy-amaliy konferensiya materiallarida innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, samaradorligini oshirishning ilmiy-nazariy va metodologik yondashuvlari, aholi bandligi, farovonligi, yashash sifati va darajasini yuksaltirishdagi rolini oshirish masalalari, xizmat industriyasi bilan integrasiyalashuv jarayonlaridagi tendensiyalari va istiqbolli yo'nalishlari, sohani rivojlantirish muammo va yechimlari, boshqaruv usullari va ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishhda iinovatsiyon faoliyatni qo'llagan holda raqamli iqtisodiyotni takomillashtirish yo'llari, raqamli iqtisodiyot bilan bog'liq soha samaradorligini bank – moliyaviy tizimi orqali oshirish mexanizmlari, korxonalarda buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil, audit va statistik hisob usullarini takomillashtirishning innovasion yondashuvlari, servis tizimi xizmatlarining sifati va samaradorligini oshirish yo'llari, sohani shakllantirishda raqamlashtirish muammolari va ularning yechimlariga qaratilgan ilmiy-nazariy va amaliy tavsiyalarga boy maqola va tezislar o'rin olgan.

Maqolalar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar ma'suldir. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to'g'ri kelmasligi mumkin

ISBN: 978-9910-9795-7-6

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2023

зичланиши-нинг олдини олади, микробиологик элементларни сақлаб қолади ва натижада ҳосилдорлик ошади, иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва, учинчидан, ҳам хўжалик, ҳам ишчи-ходимлар даромадини кўпайтириш имкониятини яратади.

Умуман юқоридагилардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида агрохизматларни инновацион технологиялар асосида ривожлантиришда соҳани рақамлаштириш, бунда энг муҳим қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий жараёнларда самарали техника-технологиялардан фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. 2022 йил 28-январ ПФ-60 сонли Фармони
2. Ш.Мирзиёев “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 27-январдаги ПҚ-104-сонли қарори
3. Ш.Мирзиёев “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 11-майдаги ПҚ-5113-сонли қарори
4. Мирзаев Қ.Ж., Агросервис иқтисодиёти // Монография. – Тошкент «Иқтисод-Молия», 2013.
5. Мирзаев Қ.Ж., Шавқиев Э, Жонузоқов Б.Қ., Инновацион иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.2020 й.
6. Мироненко О.В. Домашние хозяйства в системе социально – трудовых отношений. – Хабаровск, 2008 – 20с.
7. Мухаммедов М.М., Исхакова С.А., Мардонов Б.Б., Уринбаева Ю.П., Мухаммедова З.М., Халиков Й.М., Аграр ислоҳотлар ва аҳоли бандлиги. // Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2015.

АҲОЛИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Кувандиков Шухрат Облоқулович Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Реал иқтисодиёт” кафедраси в.б. профессори, и.ф.д. Тел.: +998979293818, e-mail: kuvandikovsuhrat78@gmail.com

Худаярова Мафтуна Шавкатовна Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали таянч докторанти Тел.: +998933555045, e-mail: maftuna.khudayarova.89@mail.ru

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини оширишга таъсир этиши мумкин бўлган бир қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлил қилинган. Бунда аҳолининг

тадбиркорлик фаоллигини оширишга таъсир этувчи омиллар оилавий тадбиркорлик субъектлари мисолида ўрганилди ва тавсифи ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий омиллар, оилавий тадбиркорлик субъектлари, аҳоли даромадларнинг ўсиши, баҳолаш, эконометрик моделлар.

Ҳозирги кунда ҳар бир оила - тадбиркор бўлиши давр талабига айланди. Бизнинг ҳисобларга кўра, республикамизда оилалар сони 6,5 млн, оилавий тадбиркорлик субъектлари сони эса 38169[10] тани ташкил этади. Ёки бошқача айтганда, ҳар 100 та оилага 0,6 бирлик оилавий тадбиркорлик субъекти тўғри келади. Бу эса ҳали етарли эмас. Бу борада Ўзбекистон Республикаси “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” (2012 йил 26 апрел) қонуни, “Ҳар бир оила - тадбиркор” Давлат Дастури (2018 йил), 2019 йил 7 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сон, 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ – 4752 – сон, 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4862-сон ҳамда 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги “Оилавий мехмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳар бир оилани тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга қаратилган.

Юқоридаги хужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини оширишга таъсир этиши мумкин бўлган омиллар оилавий тадбиркорлик субъектлари мисолида ўрганилди ва тавсифи ишлаб чиқилди. Улар:

- оилавий корхонада оила аъзолари сони (X1) улар фаолияти рақобатбардошлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу омилнинг таснифига кўра, оила аъзоларининг сони ва таркиби (меҳнатга лаёқатдаги ёш, малака даржаси, жинси ва б.) меҳнат унумдорлигига таъсир этиб, унинг рақобатбардошлигини оширади. Шу боис ушбу омил кучли таъсирга эгалиги тахмин қилинди. Кузатилган оилавий корхоналарда бу омил ўртача 3 кишини ташкил этди;

- ишсизлик даражаси (X2) оилавий корхоналар сонига (Y) таъсир этувчи омил сифатида танланди. Чунки, COVID-19 шароитида йирик

[10] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қумитаси маълумотлари. https://stat.uz/uz/432-anliticheskie-materialy-uz/2032-korxonalar-va-tashkilotlarning-demografiyasi?

корхоналарда иш билан бандликнинг қисқариши кузатилди. Бундай шароитда иш жойини йўқотган иқтисодий фаол аҳоли ўз бизнесини очишга уринди. Бунинг натижасида мамлакатимизда кўплаб янги оилавий корхоналар ташкил топди;

-оилавий корхоналарнинг солиқ тўловлари (X3) ҳам улар фаолиятининг ривожланишига бевосита таъсирга эга. Шу боис, солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда солиқ юкини камайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу эса (X3) омил билан (У) ўзгарувчи ўртасида тескари боғланишни намоён этади. Чунки солиқ ставкасининг пасайиши билан корхона фойдаси ортиб боради (умумий овқатланиш соҳаси оилавий корхоналари учун ягона солиқ 2020 йилда 8%ни ташкил этган);

- оилавий корхоналар томонидан бюджетга тўлайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлови (X4) ҳам корхона учун харажат ҳисобланади. Шу боисдан ушбу омил оилавий корхона соф тушумига тъсир этувчи омил сифатида танланди (оилавий корхоналар учун белгиланган ижтимоий тўлов 2020 йилда 12%ни ташкил этган);

- Ўзбекистон Республикаси “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” (2012 йил 26 апрел) қонунини қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад оилавий корхоналар сонини кўпайтиришга қаратилган эди. Шунинг учун мазкур қонун фиктив омил сифатида танланди. Бунда (X5) омилга 2012 йилгача бўлган даврда 1, 2012 йилдан кейинги даврга 0 га тенг қиймат берилди;

- маълумки, аҳоли даромадларнинг ўсиши турли хил товар ва хизматларга бўлган талабнинг ўсишига пропорционал боғлиқ. Бу эса, оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига қулай шарт-шароит яратади. Шундай экан, аҳоли даромадлари (X6) ва оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши (У) ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш мавжуд. Шу боис ушбу омил танланди (2020 йил 1 январ ҳолатига республика бўйича ўртача аҳолининг жон бошига даромадлари 5668,6 минг.сўм (реал ўсиш – 4,5%)ни ташкил этган);

- “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури доирасида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар ҳажми (X7) уларнинг ривожланишида муҳим омил сифатида қаралди (2020 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 6078,5 млрд. сўм ажратилган).

Мазкур омиллардан келиб чиқиб, аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини турли мезонларга кўра тадқиқ этиш мумкин. Шулардан бири, “хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши аҳолининг тадбиркорлик фаоллигига боғлиқ” деган гипотезага асосланди. Унга кўра, хизматлар соҳасининг ривожланиши (у) билан аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги кўрсаткичлари (х)нинг барча мумкин бўлган қийматлари орасидаги

боғлиқлик чизиқли эканлиги тахмин қилинди. Унинг назарий чизиқли регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$y = bx + a ; \qquad (1).$$

Юқорида тавсифланган омилларни турли хил вариантларда қўллаш асосида аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини оширишга таъсир этувчи омилларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини баҳолаш ва уларнинг эконометрик моделларини қуриш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4862-сон.
2. 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041-сон.
3. OBLOKULOVICH, K. S. (2020). Оилавий тадбиркорлик: ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари. *Scienceweb academic papers collection*.
4. Шадиева, Г. М., & Кувандиков, Ш. О. (2022). РОЛЬ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ. *Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions*, 59-63.
5. Мустафакулов Ш. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлиги: аниқлашнинг услубий жиҳатлари ва таъсир кўрсатадиган омилларнинг таснифий таҳлили //Центр научных публикаций в Узбекистане. – 2019. – С. 22-22.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ

Шавқиев Э. СамИСИ профессори в/б

Мамлакат иқтисодиётининг тадрижий ўсишини таъминлаш – илм-фансиз рўй бермайди. Шу сабабдан, иқтисодиётнинг барча соҳаларида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш доимо долзарб ҳисобланади. “Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз”[11]

Фан-техника тараққиёти – жуда мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. У мавжуд техникани такомиллаштиришни, янги, анча самарали техникани, технологияни, хом ашёни, материалларни яратиш ва жорий қилишни, шунингдек, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилашни ўз ичига олади. Фан-техника тараққиёти – ишлаб чиқаришни

[11] Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2022, 235 бет.

MUNDARIJA:

I-QISM		
I-SHO‘BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI INNAVATSION ASOSDA RIVOJLANISHINING NAZARIY METODOLOGIK MASALALARI		4
Po‘latov M.E., Mirzayev K.Dj., Boboqulov S.B.	Raqamli iqtisodiyotda innovatsion faoliyatning ahamiyati	4
Асланова Д.Х., Узакова В.С.	Формирование атрибутов выпускника вуза, как залог успешного его трудоустройства	8
Эргашев Р.Х.	Меҳнат самарадорлигига инсон ресурсларининг таъсири	12
Мирзаев К.Ж., Шералиев А.С.	Ўзбекистонда агрохизматни инновацион асосда ривожлантириш масалалари	16
Кувандиков Ш.О., Худаярова М.Ш.	Аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини оширишга таъсир этувчи омилларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти	20
Шавқиев Э.	Ишлаб чиқариш инфратузилмаси субъектларининг инновацион ривожланиши	23
Jomonqulova E.F.	Iqtisodiyotida axborotlashtirishning mamlakat tutgan o’rni	30
Ruzibayeva N.X.	Raqamli iqtisodiyotda xizmat innovatsiyasining nazariy asoslari	34
Akramova M.R.	The importance of teaching vocabulary	39
Ахтамова М.Э.	Рақамли иқтисодиёт шароитида туризм бошқарув тизимини инновацион асосда ривожлантириш масалалари	43
Юлдашова Н.З.	Агросервис соҳасида рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти	47
Bozorov D.B.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida maishiy xizmat ko’rsatish sohasining rivojlanish omillari va shart-sharoitlari	52
Ташназарова Н.	Иқтисодий самарадорлик тушунчаси таърифини такомиллаштириш	56
Boboqulov S.B.	Kommunal xizmat ko‘rsatish korxonalari faoliyatini innovatsion mohiyati	63
Musayev B.Sh.	Oliy ta’lim xizmatlarini raqamli texnologiyalar asosida targ‘ib qilishning nazariy asoslari	66
Erdonov M.E.	Xizmat ko’rsatish korxonalarining iqtisodiy salohiyati tushunchasi va mohiyati	69
Umurova M.A.	Xizmat ko’rsatish korxonalarida samaradorlik	

«INNOVATSION IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI»

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO'PLAMI

(I-QISM)

(2023 yil 20-sentyabr)

"STAP-SEL" MChJ. Nashriyoti,
Samarqand - 2023.

ISBN: 978-9910-9795-7-6

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)
© **"STAP-SEL" MChJ.** Nashriyoti,
Samarqand.

Qog'oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog'ozi.
"Times New Roman" garniturasi.
Nashr bosma tabog'i 15,37
Buyurtma № 0075A/23. Adadi 50 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo'limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko'chasi 60-uy.

ISBN: 978-9910-9795-7-6

